

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Когон шаҳри

2023 йил 21 сентябрь

Когон туманлараро иқтисодий суди, судья Ф.Муродовнинг раислигида, судья ёрдамчиси **М.Насуллоев**нинг котиблигида, муваққат бошқарувчи **А. Мажбурий** ижро бюроси **А** туман бўлими давлат ижрочиси **А.** (ишончнома асосида)ларнинг иштирокида, аризачи Анинг қарздор “**Б**” масъулияти чекланган жамиятини умумий тартибда банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси юзасидан кўзғатилган ишни **жиноят ишлари бўйича А туман суди кўмагида видеоконференцалоқа режимида** ўз биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб,

АНИҚЛАДИ:

А (бундан кейин матнда аризачи ёки бошқарма деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, “**Б**” масъулияти чекланган жамияти (бундан кейин матнда **қарздор ёки жамият** деб юритилади)ни умумий тартибда банкрот деб топишни сўраган.

Суднинг **2023 йил 7 июлдаги** ажрими билан ишга Мажбурий ижро бюроси **А туман** бўлими (бундан буён матнда МИБ деб юритилади) низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган ҳамда қарздорга нисбатан банкротлик иши кўзғатилиб, унга нисбатан кузатув тартиб-таомили қўлланилган ва **биринчи тоифали** суд бошқарувчиси **А** муваққат бошқарувчи этиб тайинланган.

Муваққат бошқарувчи зиммасига:

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан кейин **матнда Қонун деб** юритилади)га мувофиқ қарздорга нисбатан кузатув тартиб-таомили жорий этилганлиги ва кредиторлар йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги эълонни расмий нашрда чоп этиш, чоп этилганлик тўғрисидаги далилни судга тақдим этиш;

қарздор мол-мулкининг сақланадини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

қарздорнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш;

қарздорнинг кредиторларини аниқлаш, кредиторлар реестрини тузиш ҳамда уларни қарздорга нисбатан кузатув тартиб-таомили жорий этилганлиги тўғрисида ҳамда кредиторларнинг биринчи йиғилишини ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш;

кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақириш ва ўтказиш ҳамда судга йиғилиш баённомасини тақдим этиш, шунингдек, судга тугатиш (санация қилувчи, ташқи) бошқарувчи номзодини тақдим этиш;

қарздорга нисбатан банкротлик иши кўзғатилганлиги тўғрисидаги ажрим нусхасини ваколатхона ва филиаллари жойлашган жойдаги (улар мавжуд бўлса) солиқ органи ҳамда давлат ижрочисига юбориш;



“Б” масъулияти чекланган жамиятига қарздорнинг ходимлари ва муассислари (иштирокчилари)ни кузатув таомили қўлланилганлиги тўғрисида хабардор қилиш ва хабардор қилинганлик тўғрисида далилни судга тақдим этиш;

Суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида ишда иштирок этувчи шахсларни тегишли тарзда хабардор қилиш вазифаси юклатилган.

Суд мажлисида иштирок этган муваққат бошқарувчи А аризани қувватлаб, кузатув жараёнида жамиятнинг молиявий аҳволи таҳлил қилинганлигини, таҳлил натижалари бўйича хулоса тузилганлигини, кредиторлар йиғилишида қарздорни банкрот деб эътироф этиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинганлигини, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг имкони йўқлигини билдириб, аризани қаноатлантириб беришни сўради.

Жиноят ишлари бўйича А туман суди биносидан видеоконференцалоқа режимида суд мажлисида иштирок этган МИБ вакили аризани қувватлаб, МИБ иш юритувида жавобгарга нисбатан бир нечта ижро иши мавжудлигини, ижро ҳужжатларини амалда ижро этишнинг имкони йўқлигини, ижро ҳужжатининг ижросини таъминлаш мақсадида қарздорнинг мулклари сотувга қўйилганлигини, бироқ тақлиф бўлмаганлиги сабабли сотилмасдан қолганлигини билдириб, ишни қонуний ҳал қилишни сўради.

Суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган бошқарма ҳамда қарздор, вакил иштирокини таъминлашмади. Шу сабабли суд, ишни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 128, 170-моддаларига асосан уларнинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Суд, муваққат бошқарувчи ҳамда МИБ вакилининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим деб топади.

Қонуннинг 5-моддасига кўра, тўловга қобилиятсизлик аломатлари қуйидагилардан иборат:

вақтинча тўловга қобилиятсизлик — агар тегишли мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса олти ой ичида бажарилмаса, судга мурожаат этиш санасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги;

доимий тўловга қобилиятсизлик — агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган бўлса.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиладиганда, жисмоний шахслар, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиганда қўлланилмайди.



Қонун 6-моддасининг биринчи қисмида тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш суд томонидан кўриб чиқилиши белгиланган.

Қонун 37-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш ушбу Қонуннинг 5-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлганда суд томонидан кўзғатилиши мумкинлиги, тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ва тўловга қобилиятсизликни тиклаш тартиб-таомилларидан бирини қўллаш ҳақида судга ариза билан мурожаат қилишга қарздорнинг вақтинча тўловга қобилиятсизлиги асос бўлиши белгиланган.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, суднинг 2023 йил 7 июлдаги ажрими билан **жамиятга нисбатан** банкротлик иши кўзғатилиб, кузатув тартиб-таомили қўлланилган ва муваққат бошқарувчи этиб **А** тайинланган. Суд ажримининг ижросини таъминлаш мақсадида муваққат бошқарувчи томонидан Қонуннинг 84-92-моддаларига мувофиқ қарздорнинг молиявий аҳволи таҳлил қилиниб, кредиторлари аниқланган ва кредиторларнинг талаблари реестри тузилган, шунингдек қарздорга нисбатан кузатув тартиб-таомили жорий этилгани ҳақида кредиторлар хабардор қилиниб, кредиторларнинг биринчи йиғилиши чақиртирилган.

Муваққат бошқарувчининг ҳисоботи ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлардан кўринишича, қарздорнинг солиқ органидан 367.406.250 сўмлик, Адан 14.156.131,07 сўмлик, “А” хусусий корхонасидан 111.109.990 сўмлик, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан 252.433.000 сўмлик қарздорлиги мавжуд.

Қонун 92-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарори асосида, агар ушбу моддада бошқача қоида белгиланмаган бўлса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади ёки суд санациясини ёхуд ташқи бошқарув тартиб-таомилини жорий этиш ҳақида ажрим чиқаради ёки келишув битимини тасдиқлайди ва тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни юритишни тугатади.

Жамият кредиторларининг биринчи йиғилиши 2023 йил 15 сентябрда чақиртирилиб, унда жами 2 та 478.516.240 сўмлик (жами кредиторлар реестри бўйича 97,1 фоиз) кредиторлар қатнашган. Мазкур йиғилиш қарори билан кредиторлар реестри тасдиқланган, жамиятни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш бошлаш тўғрисида судга илтимоснома киритиш, муваққат бошқарувчига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 (ўн) баравари миқдорида иш ҳақи белгиланган.

Қонуннинг 89-моддасига кўра, кредиторларнинг биринчи йиғилишида қуйидаги масалалар бўйича қарорлар қабул қилинади:

суд санацияси ёки ташқи бошқарув тартиб-таомилини жорий этиш ҳақида илтимоснома билан судга мурожаат қилиш тўғрисида;

қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан судга мурожаат этиш тўғрисида;

кредиторлар кўмитаси аъзоларининг сони ва уларни сайлаш тўғрисида;

санация қилувчи бошқарувчининг, ташқи бошқарувчининг ёки тугатувчи бошқарувчининг номзодларини маъқуллаш тўғрисида;

ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа масалалар бўйича.



Мазкур ҳолатда суд, кредиторлар йиғилиши билан жамиятни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинганлигини инобатга олиб, аризани қаноатлантиришни лозим топади.

Қонун 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилиниши тугатишга доир иш юритишнинг бошланишига сабаб бўлади. Тугатишга доир иш юритиш тартиб-таомили муддати ўн икки ойдан ошиши мумкин эмас. Зарурат бўлганда бу муддат тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра ёки суднинг ташаббуси билан уч ойгача узайтирилиши мумкин.

Шунга кўра, суд қарздорни банкрот деб топиб, тугатишга доир иш юритишни бошлашни ва тугатишга доир иш юритиш муддатини **6 (олти)** ой этиб белгилашни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциацияси Бухоро вилоят бўлимидан 2023 йил 20 сентябрдаги 01-03/863-сонли хати билан жамиятни тугатиш бошқарувчилигига **А** номзоди тавсия этилган. Суд, тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлашга монелик қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги сабабли **биринчи** тоифали суд бошқарувчиси **А**ни **қарздорни тугатиш бошқарувчиси** этиб тайинлашни лозим топади.

Қонун 26-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд бошқарувчисига вазифаларини бажарганлиги учун ҳақ тўлаш миқдори ва тартиби бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда кредиторларнинг йиғилиши томонидан белгиланади, суд томонидан тасдиқланади ҳамда, агар кредиторлар билан тузилган битимда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан тўланади.

Қонун 59-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида суд харажатлари, шу жумладан тўлов муддати кечиктирилган ёки бўлиб-бўлиб тўланадиган давлат божи бўйича харажатлар, маълумотларни ушбу Қонуннинг 53 ва 54-моддаларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш харажатлари, шунингдек суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш харажатлари қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан навбатдан ташқари тўланиши, суд харажатларини ва суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш харажатларини тақсимлаш тартиби суднинг тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган қарорида ёки ажримда белгиланиши назарда тутилган.

Жамият кредиторлар йиғилишида муваққат бошқарувчи **А**га суд бошқарувчиси вазифасини бажарганлиги учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 (ўн) баравари миқдорида иш ҳақи белгиланган. Шу сабабли суд, муваққат бошқарувчига кредиторлар йиғилиш томонидан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 (ўн) баравари миқдордаги ҳақни тасдиқлашни лозим топади.

ИПК 116-моддасининг учинчи қисмига кўра, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ суд харажатларининг суммаси суд томонидан белгиланади ва ишда иштирок этувчи шахслардан ни кўриб чиқиш натижалари бўйича ушбу Кодекснинг 118-моддасига вофиқ ундирилади.



ИПК 118-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилиши, даъвогар тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган давлат божи, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан республика бюджети даромадига ундирилиши белгиланган.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган “Давлат божи ставкаларининг миқдорлари”га асосан ташкилотлар ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалардан БХМнинг 3 баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

Суд, ариза қаноатлантирилганлиги сабабли суд харажатларини қарздор зиммасига юклашни, ундан аризачи фойдасига олдиндан тўланган 33.000 сўм почта харажати, шунингдек тугатиш бошқарувчиси орқали Республика бюджетига 990.000 сўм давлат божи ҳамда Олий суд депозитига **82.500 сўм видеоконференцалоқа харажати** ундиришни лозим топади.

Юқорида баён этилганларга кўра ҳамда ИПКнинг 116, 118, 128, 170, 176-179 ва 186-моддаларини қўллаб, суд

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Ариза қаноатлантирилсин.

“Б” масъулияти чекланган жамияти банкрот деб топилсин ва тугатишга доир иш юритиш бошлансин. Тугатиш ишларини олиб бориш учун **6 (олти) ой муддат** белгилансин.

Тугатиш бошқарувчиси этиб **А** тайинлансин.

Ага қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 (ўн) баравари миқдорида иш ҳақи белгилансин.

Тугатиш бошқарувчиси зиммасига:

ўн кунлик муддат ичида расмий нашрда қарздор банкрот деб топилганлиги ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги тўғрисидаги маълумотни чоп эттириш ва судга бу ҳақидаги далилларни тақдим этиш;

Тугатиш ишларини “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари асосида олиб бориш;

Бир ой муддат ичида судга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 24 августдаги 224-сонли қарори билан тасдиқланган “Сохта тўловга қобилиятсизлик, тўловга қобилиятсизликни яшириш ва қасдан тўловга қобилиятсизликка олиб келиш аломатларини аниқлаш Қоидалари”га асосан қарздорда сохта тўловга қобилиятсизлик (тўловга қобилиятсизликни яшириш ёки қасдан тўловга қобилиятсизликка олиб келиш) аломатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида хулоса тақдим этиш;

Амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар ой якуни билан судга маълумот бериб бориш;

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23 ва 144-моддаларида белгиланган суд бошқарувчисининг мажбуриятларини оғишмай бажариш;



Кредиторлар талабларини “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 150-моддасида белгиланган тартибда каноатлантириш ва Қонунда назарда тутилган барча тугатиш ишларини ташкил қилиш;

Тугатишга доир иш юритиш натижалари ҳақидаги ҳисоботни **2024 йил 22 февралга қадар** тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

Тугатиш бошқарувчиси ушбу вазифаларни амалга ошириши юзасидан шахсан жавобгар эканлиги тушунтирилсин.

“Б” масъулияти чекланган жамиятидан тугатиш бошқарувчиси орқали Республика бюджетига 990.000 сўм давлат божи ундирилсин.

“Б” масъулияти чекланган жамиятидан тугатиш бошқарувчиси орқали Олий суд депозитига 82.500 сўм видеоконференцалоқа харажати ундирилсин.

“Б” масъулияти чекланган жамиятидан аризачи А фойдасига олдиндан тўланган 33.000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ижро варақалари берилсин.

Ҳал қилув қарори дарҳол ижрога қаратилсин.

Ҳал қилув қарори устидан шу суд орқали Бухоро вилоят судига ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

Ф.Муродов

